

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

«ДУРРУ ЖОЛА ХАР ДУ...»

Олиму жоҳил агар чи хар ду жинси мардуманд, Фарқ бошад дар миён аз осмон то хоки рах, Дурру жола хар ду аз абранду дар ҳайъат шабиҳ, Он равад бар тожи шаҳ ин лек дар хоки сияҳ.

яти билан одам ҳайвондан фарқ қилади. Хотирасизлик фақат ҳайвонлик эмас, ваҳшийликдир. Халқимизда: «Арвоҳ рози — Худо рози», деган нақл бор. Мана шу гапнинг ўзи ҳам ҳар бир мазорни асраб-авайлаш, у жойга вақти-вақти билан бориб туришни қанда қилмасликни шарт этиб қўяди.

Менинг ер устида танишларим кам, Менинг ер остида дўстларим кўпроқ, —

дейди Абдулла Орипов. Аслида ер остида ётган буюк зотларнинг барчаси тирикларнинг дўстларидир. Шундай дўстлик туйғусига эга бўлмоқ фақат оқилликмас, орифлик ҳамдир. Авлиё — вали сўзининг кўпли-

га чуллаган инсоний ва илоҳий хислатларидир.

Бобомизнинг бошқа бир қитъасида не «важҳдинки мазорат ибодатгоҳ» бўлури шарҳланган:

Ажаб йўқ эрса зиёратгоҳ аҳли обидким...

Обид — ибодат қилувчи. Мазоратларга борадиган «зиёрат аҳли»нинг обидлигидан ажабланмаслик керак. Чунки: Ибодат эткали хуш ердурур зиёратгоҳ.

«ХАР НЕ ЭЛГА КОМ ЭРУР...»

Хар не элга ком эрур, кечти Навоий боридин, Қилмади, неким буюрди нафси хориж рои анга. Бу жаҳонда барча нафси воясидин чекти эл, Ул жаҳоннинг вояси гар музд етмас, вой анга!

Мир Алишер Навоийнинг рубоийларидан бири: «Дунё сори ҳирс хар ямондин ортиқ», деган мисра билан бошланади. Ҳирс инсон онги ва вужудидаги барча ёмонликларнинг бошқарувчиси. Унинг дояси эса нафс. Аҳмад Яссавий: «Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади», дея беҳиз нолимаган. Нафси золимни енгган киши ўз жонига ўзи жабр ўтказишни тўхтатган ҳисобланади. Буни фаҳмлай олмаган авом эл емоқ, чимок, киймоқ учун югуради, елади, ёлворади ва зарур чоғда авраб-алдайди.

Албатта, одам тўқ яшаши керак. Кўз оч бўлса, кўнгли тўймайди. Қолаверса, йил ўн икки ой иқтисодий таййиқ остида судралши хорлик ва ҳақоратдир. Намунавий адабиётда кенг талқин этилган фақирлик фалсафаси мутлақо бошқа нарса, уни йўқчилик, хору зорликка чидаш, қорин тўйса, шунга шукур қилиш мутелиги деб англаш хато. Ҳазрат Навоийнинг: «Хар неки элга мақсад эрур барчасидин мен кечдим», деган сўзлари ашаддий нафспарастларга қаратилган. Қаноатни унутган, «нафси хориж» неки буюрса, йўлдан чопган оломондан ўзи ажратиш фароғат-ку?! Бу жаҳонда барча нафс эҳтиёжларига қўл силтаган хур руҳли зотлар яшамоқлари шарт. Майли улар ул жаҳоннинг насибаси хусусида хаёл суришсин, майли, нелардандир шубҳаланишсин! Лекин шундай Комил одамлар борлигини билиб, сезиб юрмоқ ҳам хушбахтликдир.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ, филология фанлари доктори.

Республика Миллий матбуот марказида буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллигига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Камолиддин Бехзод жаҳон маданияти раванкига муносиб ҳисса қўшган буюк мусаввир ҳисобланади. Ўзбекистон Бадий Академияси раиси Турсунали Қўзиёвнинг таъкидлашича, Бехзод асарлари Шарқ миниятура санъатини беқиёс юксакликка кўтарган. Мустақиллик йилларида мусаввирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга бўлган қизиқиш янада ортди. 1997 йилда Вазирлар Маҳкамаси Камолиддин Бехзод таваллудининг 545 йиллигини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилганди. Мусаввир номи абадийлаштириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Тошкент шаҳридаги расомлик ва дизайн Миллий институтига унинг номи берилди. Шунингдек, мейморчилик, тасвирий ва амалий-бизак санъати соҳалари учун бериладиган Камолиддин Бехзод номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти таъсис этилди.

1455 йилда Ҳиротда ҳунарманд-қосиб оиласида дунёга келган Бехзод ўз даврининг машҳур расоми Мирак наққошдан мусаввирлик наққошлик сирларини ўрганди. Бехзод ижодий камолотида Алишер Навоий алоҳида рол ўйнаган. Мусаввир

Ҳусайн Мирзо, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийлар Бехзоднинг ноёб қобилиятига ҳурмат билан қараганлар. Хусусан, Алишер Навоий ўзининг мактубларидан бирида уни «устод Бехзод» деб таърифлаган.

Уз асарлари билан Шарқу Фарбни ҳайратга солган мусаввирнинг бошқа ижодий қирралари


ҳақида анжуманга ташриф буюрган Деҳли университетини профессори Шариф Ҳусайн Қосимий тўхталиб ўтди. Олим Бехзодга бўлган чеқсиз ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида мусаввир ҳақидаги ўз шеърини ўқиб берди. Шунингдек, Мисрдан ташриф буюрган Камол Ҳассан Шалтут ва озарбайжонлик санъат тадқиқотчиси Жамила Ҳасанзодалар мусаввир ижодидан олган ўз таассуротлари ва мамлакатларида Бехзодни қанчалик ҳурмат-эҳтиром қилишлари хусусида сўзлашди.

Европада «Шарқ Рафаэли» деб таърифланган Бехзод Султон Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбонийхон, Исмоил Сафавий сингари тарихий шахслар сиймоларини абадий ўчмас қилиб яратган. Бундан ташқари, турли мавзуларда мураккаб сюжетли миниатюра асарлари жаҳон санъатининг ноёб дурдоналари орасидан ўрин олди.

Бехзод таваллудининг 545 йиллиги тантаналари бугунги кунда ЮНЕСКО қарори билан бутун дунё бўйича кенг нишонланмоқда. Чунки у қолдирган бой мерос умуминсоният учун хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда мусаввир ижодида бағишлаб ўтказиладиган халқаро анжуман ва кўргазмалар ҳам мазкур тадбирлар сирасига киритилди.

«Туркистон-пресс».

Буюк мусаввир номига ўтказилди



Расом М. ЖУРАЕВ

НАВОИЙХОНЛИК

Алишер Навоийнинг аслиги, ҳис қилиши ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, ҳаёти тарихларини аниқлаш ва ҳис қилишдир.

560

Дурру жола хар ду аз абранду дар ҳайъат шабиҳ, Он равад бар тожи шаҳ ин лек дар хоки сияҳ.

Мазмуни: дур ва дўл — ҳар иккиси ҳам булутдан пайдо бўлиб, зоҳиран бир-бирига ўхшаса-да, дур подшоҳ тожига чиқади, дўл эса қора тупроққа қиради. Бу мантиқ мулоҳазага йўл очади. Энди Сиз олим ким, жоҳил ким, олим кадрининг юксаклиги-ю, жоҳил кадрисизлигининг сабаблари тўғрисида ис-таганча фикрлашингиз мумкин.

«БўЙЛА ВАЙРОН КИМ КўРУБТУР...»

Авлиёулла мазори Тўс вайрони аро Кўлтурур, йўқ бок агар тавфида кўрса кимса ранж, Мунчаким вайрона кездим ганж бир ҳам йўқ эди, БўЙла вайрон ким кўрубтур онда мадфун мунча ганж .

ги. Вали — Оллоҳ паноҳидаги киши, илоҳий қароматлар соҳиби, азиз дегани. Мир Алишер Навоийнинг айтишларича, «мазори Тўс вайрони аро» ётганлар орасида валлилар кўп экан. Шунинг учун ранж чекиб бўлса-да, бу мазорни зиёрат қилиш керак бўлган. Чунки бундай заҳматдан заррача зиён етмайди.

Мунчаким вайрона кездим ганж бир ҳам йўқ эди, БўЙла вайрон ким кўрубтур онда мадфун мунча ганж .

Бу байтнинг биринчи мисрасидаги фикрни: «Қанча мазорларни кездим, бироқ уларда бирорта ҳам валининг қабрини учратмадим», маъносиде ҳам англаш мумкин. Аммо бундай тушуниш хато бўлур эди. Халқда хазиана ёки ганж вайрона ичида яширин бўлади, деган тушуниш бор. Шоир шундай қарашларга суяниб, вайронларни айлиниб (мазорларни эмас!) «бир ҳам» ганж топмаганлигини сўзлайди. Ва унда чинакам ганж кўмилган жой — айна шу мазористон, деган олий тушуниш тугилади: «БўЙла вайрон ким кўрубтур онда мадфун мунча ганж». «Мунча ганж» — мазори Тўсдаги неча ўнлаб валлиларнинг барҳаёт Руҳи. Уларнинг қабрларини нур-

2000 йил — Соғлом авлод йили

ШИФОХОНА ҚОШИДА ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ

Нурота тумани аҳолиси яқинда яна бир қўлайликка эга бўлди. Марказий шифохона қошида 20 ўринли шошилинч ёрдам бўлими ишга туширилди. Бўлим барча керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Янги йилгача бу ерда 15 ўринли амбулатория, жарроҳлик маркази фойдаланишга топширилади. Кейинги йилда туманда яна 3 та тиббий шохрча қуриш режалаштирилган.

— Соғлом авлод йилида айниқса, оналик ва болалиқни муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди туман Марказий шифохонаси бош ҳақими ўринбосари Саъдулло Ҳақбердиев. — Икки қаватли замонавий тугруқхона шифокорлари фаолиятдан қўнчилик мамнун. Туғиш ёшидагилар тиббиёт ходимларининг доимий назо-

ратига олинган. Улар вақти-вақти билан кўриқдан ўтказилмоқда.

— Тасодифан сим устига йиқилиш оқибатида ўғлим Еқубнинг қовурғаси синиб, ўпкаси тешиланган эди, — дейди Ашур Жиянмуродов. — Жарроҳ Усмон Юсуповнинг беқиёс маҳорати тўғайли ўпканинг очик жароҳати вақтида тикланди, синган қовурға тикланди. Муҳими, ўғлим ҳаётга қайтди. Шифокорлардан бир умр миннатдорман.

Туманда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бугун ҳаммининг ишига айланди. Агар саломатлик посбонлари ўз ташаббуслари билан бир кунлик маошларини тез тиббий ёрдамга, дори-дармон олишга ажратган бўлсалар, «Нурота» ва «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари ўз худудларидаги тугруқ бўлимларини сифатли таъмирдан чиқариб бердилар.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Тошкент туманидаги Хасанбой қишлоғида жойлашган ўзбек-турк қўшма корхонасидаги замонавий технологияни йилит ва қизиларимиз моҳирлик билан бошқаришмоқда. Бу ерда яқин кунлар ичида яна бир линия ишга туширилади. Шундан сўнг ўттиз кишилик янги иш ўринлари яратилади.

Суратларда: (чапдан) тажрибали ишчилар Г.Гулмонова ва Ф.Исмоғилова; сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамкасбларига намуна бўлишган М.Бадалмухамедова.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Бор бўл, оқибат!

Деновлик фермер Зиёдулло бобо Эшмонов кўмакка муҳтож оналарга ёрдам тариқасида бир тонна бугдойни бепул тарқатиб берди.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, БОБО

Зиёдулло бобо бошлиқ «Азамат» фермер хўжалигининг 15 нафар аъзоси бултур ҳам яхшигина даромад қилиб, шунинг ҳисобидан қишлоқдаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга 110 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатганди. Зиёдулло бобо Эшмонов 80 ёшни қоралаган пирубадавлат отахон, 70 нафар набира, 6 нафар чеваранинг сеvimли бобожониси, пенсия пули ҳам ёмон эмас. Борига қаноат қилиб юрар-верса ҳам бўларди. Саксон ёшга экинлашиб, ишлайман, фермер хўжалиги тузаман, қолган умримни савоб ишлаб бағишлайман, деб ниёт қилган эди. Бугун у ўзи орзу қилган ниётларига эришди.

Тадбиркорлар деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилиқни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Улар 220 бош қорамол, 40 бош қўйларни мөхр билан парвариш қилиши, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўллари излашмоқда. Сигирлардан соғиб олинаётган сутнинг асосий қисми тумандаги 23-мактаб ўқувчиларига бепул етказиб берилаяпти. Бунинг учун ўқувчилар «Азамат» фермер хўжалигининг раҳбари Зиёдулло бобого раҳматлар айтишмоқда.

8 декабр - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун

«КОНСТИТУЦИЯ ВА КОНФЕССИЯЛАРА МУЛОҚОТ»

Республика байналмилал маданият марказида шу мавзуда илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича кўмита, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ва Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамағатмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда вазирилик ва идоралар, илмий муассаса ва ташкилотлар, дин вакиллари қатнашди. Уни Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов бошқарди.

Конференцияда таъкидланганидек, ҳозирги вақтда кўпмиллатли мамлакатимизда ислом динига эътиқод қилувчилар билан бир қаторда бошқа динлар вакилларининг тинч-тотув, аҳил яшаётгани ва ҳамкорлик қилаётгани барча динлар эзгуликка хизмат қилиши ҳақидаги қадимий ҳақиқатнинг яна бир тасдиғидир. Айна пайтда бу мамлакатимизда Президент Исрол Каримов раҳбарлигида юриштирилган доно ички ва ташқи сиёсатнинг ҳаётбахш натижаси ҳамдир. Негаки республикамизда турли динларнинг қадриятларини асраш, фуқароларнинг мамлакатимиз Конституциясида қатъий кафолатлаб қўйилганидек, эътиқод эркинлигини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, динлар ва миллатлар вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, узоқ тарихга эга умумий аъёнларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда жаҳондаги вазият диндан ёвуз мақсадларда фойдаланишга қарши берилаётган кураш шубҳасизлигининг аҳамиятини тобора оширмоқда, дея қайд этилди анжуманда. Диний экстремизм ва терроризмнинг ҳақиқий дин, умуминсоний қадриятларга асосланувчи эътиқодларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шу сабабли динлар, мазаҳлар ва маданиятлар ўртасидаги доимий мулоқот бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

(У.А.)



САВОЛ: иш жараёнида бахтсиз ҳодиса натижасида II гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Бунга қадар Зафаробод тумани хўжалиқларида 25 йил меҳнататорлик қилдим. Етти нафар фарзандим бор. Катта ўғлим 1990 йили ҳарбий хизмат даврида Украинада ҳалок бўлган. Шундан сўнг бизга газ, электр энергияси ва томорқа солиқлари 30 фоизга арзонлаштириб берилган. 2000 йилдан бошлаб 12900 сўм пенсия оламан. Пенсия турмуш эҳтиёжларини қопламаётганлиги учун уни қайта ҳисоблаб чиқишларини истаيمان. Шу ўринда юқоридаги шароитларни ҳам ҳисобга олган ҳолда пенсиямни қайта ҳисоблашга 25 йил давомида олган мукофот, стаж пуллари иш ҳақимга қўшиб ҳисобланадими?

Умуман, менинг шароитимдаги шахсларга қонунда қандай енгилликлар бор?

Б.Кўчаров, Зафаробод тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 32-моддасига биноан пенсияларини ҳисоблаб

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволингизга ҳуқуқшунос Х.Премқулов жавоб беради

чиқиш учун иш ҳақида амалдаги қондаларга кўра сугурта бадаллари олинандиган меҳнат ҳақининг барча турлари қўшилади, амалдаги иш ҳақи тўлаш тизимида назарда тутилмаган бир марталиқ хусусиятга эга бўлган тўловлар бундан мустаснодир. Давлат томонидан ижтимоий сугурталанмайдиган шахсларнинг пенсиясини ҳисоблаб чиқиш учун иш ҳақида сугурта бадаллари олинандиган меҳнат ҳақи турларига ўхшаш пул таъминотининг барча турлари қўшилади. Пенсия сўраб муурожаат этган кишининг хоҳишига биноан ўқув даврида тўланган стипендия иш ҳақида тенглаштирилади. Иш вақтини ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаган ходимларнинг (фермерлар, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугул-

ланувчи шахслар, айрим фуқароларнинг юмушларини бажарувчилар ва ҳоказо) пенсияларини ҳисоблаб чиқиш учун иш ҳақи микдори Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги ижтимоий сугурта жамағатмасига тўланган сугурта бадаллари микдорига қараб аниқланади. Иш ҳақининг натурал қисми ижтимоий сугуртага ўтказилган бадаллар микдорига қараб баҳоланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, пенсия тайинлашда (уни қайта ҳисоблашда ҳам) Сизга иш фаолиятингизда тўланган иш ҳақи тизимида назарда тутилган мукофот, стаж пуллари, шунингдек, тоифа учун қўшимча (Сиз айтганингиздек классност) ҳақ ўз-ўзиндан инобатта олинши керак. Чунки у меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида қонунчиликка биноан назарда тутилган бўлади.

Газ, электр энергияси кабиларга ҳақ тўлашда ҳам 30 фоизли имтиёзга эга экансиз. Мана шу имтиёзни 50 фоизга чиқариш учун лозим бўлган асослар Сизнинг мактубингизда ўз аксини топмаган. Шунинг учун бу масалада аниқ жавоб беришини иложи йўқ. Аммо Сиз II гуруҳ ногирони сифатида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 102-моддасига биноан ер солигини тўлашдан озод этилгансиз.

ШИОРИМИЗ: МУСТАҲКАМ ИРОДА, ҒАЛАБА

Ногиронлар мусобақаларда

Кўмакка, бир оғиз ширин сўзга муҳтож ногиронларнинг кўнгилларини кўтариш, уларга имкон қадар ёрдам бериш энг эзгу ва савобли ишлардан саналади. Шуниси эътиборга лойиқки, юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш ишларига давлатимиз томонидан катта аҳамият қаратила бошланди.

Хусусан, мустақил давлатимизнинг дастлабки қонунларидан бири (1991 йил ноябрда қабул қилинган) «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун эди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан ҳам ногиронлар спортини ривожлантириш ҳақидаги бандлар ўрин олди.

Жорий йилда эса бу борада катта қадамлар ташланди: ёлғиз, нафақат ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида қарор, болалар ўртасида ногиронликнинг олдини олишга қаратилган дастур қабул қилинди. Энг муҳими, 1998 йил 18 ноябрда шифокорлар, мураббийлар, спортчилар, жоматчилик вакиллари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш йўли билан жисмоний тарбия ва спорт воситасида ногиронларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришда инсонпарварлик фаолиятини амалга ошириш, бу соҳада халқро ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш каби ҳайрли мақсадларни амалга оширувчи Ўзбекистон ногиронлар спорт ассоциацияси тасвиси этилиб, Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Б.Махситов унинг президенти этиб сайланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бу юртимизда катта спорт, халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини ривожлантириш борасида

амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Бу борада муваффақиятлар ҳам яққол кўзга ташланмоқда: XXVII Олимпия ўйинларида спортчиларимиз эришган ютуқлар, II Республика «Алломиш ўйинлари» фестивалининг уюшқоқлик билан ўтиши,



ногиронларимизнинг халқаро мусобақалардаги кетма-кет ғалабалари фикримиз далилидир.

Хўш, ўтган қисқа муддат ичида Ўзбекистон ногиронлар спорт ассоциацияси томонидан республикамизда ногиронлар ўртасида спорт турларини ривожлантириш, халқаро мусобақалардаги иштирокини таъминлаш, қолаверса, уларнинг соғлиқларини тиклаш бўйича қандай ишлар амалга оширилди? Бу борада қандай ютуқ ва муаммолар мавжуд? Ўзбекистон ногиронлар спорт ассоциациясининг вице-президенти Абдурахим Зокиров билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— **Абдурахим ака, албатта ҳар қандай ишнинг бошланиши мураккаб кечади. Айтинг-чи, ассоциациянинг фаолиятини йўлга қўйиш жараёнида биринчи навбатда нималарга асосий эътибор қаратилди?**

— Шуни айтиш керакки, тўлақонли иш фаолиятини

ассоциация 1999 йилнинг апрел ойида бошлади ва биринчи навбатда бизга мурожаат қилган ногиронларга спорт тадбирларини ўтказиш, халқаро мусобақаларда қатнашишларини ташкиллаштириш ва уларни спорт анжумлари билан таъминлашга муҳим эътибор қаратдик.

Хусусан, ўтган йили 2 декабрда халқаро ногиронлар кўнунига бағишлаб катта тадбир ташкил этдик. Унда иштирок этган 300 дан ортиқ ногиронлар 8 спорт тури бўйича беллашишди. Совринли ўрин-

Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда ногирон спортчи Владимир Коротченко бошқараётган «Матонат» спорт-соғломлаштириш клуби билан ҳамкорликда ташкил этилди. Бундан ташқари, ногирон футболчиларнинг «Байналмилал» жамоаси 13 нафар ўйинчисига халқаро тоифадаги спорт устаси унвонлари берилади, улар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, қарлар ўртасида VI Осиё-Тинч Океания ўйинларида қатнашувчи футбол ва волейбол жамоаларимизни тўплар билан таъминладик. Кўзи охишлар жамияти, «Матонат» ва «Байналмилал» жамоаларига спорт анжумлари олиш учун маблағ ажратдик. Ассоциациямиз ногиронлар ўртасида ўтказиладиган барча халқаро мусобақаларга қимматбаҳо совғалар ташкил қилган ҳолда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Эътибор қаратаётган иккинчи асосий йўналишимиз, бу — халқро алоқаларни кенгайтириш ва ўзбекистонлик ногирон спортчиларнинг нуфузли мусобақалардаги иштирокини таъминлаш масаласидир.

Бу борада ҳам ўтган вақт ичида муайян ютуқларни қўлга киритдик. Хусусан, ўтган йили ақли заифлар ўртасида «Special Olympics» махсус Олимпия қўмитасига аъзо бўлиш мақсадида дастлаб «Тинчлик корпуси»нинг Осиё минтақаси бўйича бош

директори жаноб Лозенц Леги билан музокаралар олиб бордик. Ўтган йили ноябр ойида эса «Special Olympics»нинг Евроосиё бўйича мувофиқлаштирувчи Кристоф Круковский ва Марта Жо Брайсх билан учрашдик. Уларни ассоциация томонидан амалга оширилаётган ишлар, чунончи, Тошкент шаҳридаги ногиронлар интернатлари фаолияти билан таништирдик. Натижда «Special Olympics» Махсус Олимпия қўмитасига

Океания ўйинларида қатнашувчи футбол ва волейбол жамоаларимизни тўплар билан таъминладик. Кўзи охишлар жамияти, «Матонат» ва «Байналмилал» жамоаларига спорт анжумлари олиш учун маблағ ажратдик. Ассоциациямиз ногиронлар ўртасида ўтказиладиган барча халқаро мусобақаларга қимматбаҳо совғалар ташкил қилган ҳолда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Эътибор қаратаётган иккинчи асосий йўналишимиз, бу — халқро алоқаларни кенгайтириш ва ўзбекистонлик ногирон спортчиларнинг нуфузли мусобақалардаги иштирокини таъминлаш масаласидир.

Бу борада ҳам ўтган вақт ичида муайян ютуқларни қўлга киритдик. Хусусан, ўтган йили ақли заифлар ўртасида «Special Olympics» махсус Олимпия қўмитасига аъзо бўлиш мақсадида дастлаб «Тинчлик корпуси»нинг Осиё минтақаси бўйича бош

директори жаноб Лозенц Леги билан музокаралар олиб бордик. Ўтган йили ноябр ойида эса «Special Olympics»нинг Евроосиё бўйича мувофиқлаштирувчи Кристоф Круковский ва Марта Жо Брайсх билан учрашдик. Уларни ассоциация томонидан амалга оширилаётган ишлар, чунончи, Тошкент шаҳридаги ногиронлар интернатлари фаолияти билан таништирдик. Натижда «Special Olympics» Махсус Олимпия қўмитасига

директори жаноб Лозенц Леги билан музокаралар олиб бордик. Ўтган йили ноябр ойида эса «Special Olympics»нинг Евроосиё бўйича мувофиқлаштирувчи Кристоф Круковский ва Марта Жо Брайсх билан учрашдик. Уларни ассоциация томонидан амалга оширилаётган ишлар, чунончи, Тошкент шаҳридаги ногиронлар интернатлари фаолияти билан таништирдик. Натижда «Special Olympics» Махсус Олимпия қўмитасига

директори жаноб Лозенц Леги билан музокаралар олиб бордик. Ўтган йили ноябр ойида эса «Special Olympics»нинг Евроосиё бўйича мувофиқлаштирувчи Кристоф Круковский ва Марта Жо Брайсх билан учрашдик. Уларни ассоциация томонидан амалга оширилаётган ишлар, чунончи, Тошкент шаҳридаги ногиронлар интернатлари фаолияти билан таништирдик. Натижда «Special Olympics» Махсус Олимпия қўмитасига

директори жаноб Лозенц Леги билан музокаралар олиб бордик. Ўтган йили ноябр ойида эса «Special Olympics»нинг Евроосиё бўйича мувофиқлаштирувчи Кристоф Круковский ва Марта Жо Брайсх билан учрашдик. Уларни ассоциация томонидан амалга оширилаётган ишлар, чунончи, Тошкент шаҳридаги ногиронлар интернатлари фаолияти билан таништирдик. Натижда «Special Olympics» Махсус Олимпия қўмитасига

директори жаноб Лозенц Леги билан музокаралар олиб бордик. Ўтган йили ноябр ойида эса «Special Olympics»нинг Евроосиё бўйича мувофиқлаштирувчи Кристоф Круковский ва Марта Жо Брайсх билан учрашдик. Уларни ассоциация томонидан амалга оширилаётган ишлар, чунончи, Тошкент шаҳридаги ногиронлар интернатлари фаолияти билан таништирдик. Натижда «Special Olympics» Махсус Олимпия қўмитасига

Пахтабод туманидаги Охунбобоев номи ширкат хўжалиги қасаба уюшмаси фаоллари ташаббуси билан хўжаликнинг бўш турган биноси қайта таъмирланиб, бу ерда қишки спорт зали барпо этилди.
— Спорт инвентарлари ва зарурий ускуна ҳамда жиҳозлар сотиб олишга хўжалик раҳбарияти бош-қош бўлди, — деди қишлоқ спортчилар мураббийси, кик-боксинг бўйича республика чемпиони совриндори Давлатбек Қамбаров «Туркистон-пресс» мухбирига. — Эндиликда спорт залида ташкил этилган спорт тўғрақлари-

ЎСМИРЛАР КАРАТЭ СЕКЦИЯЛАРИДА

да 15 нафар бола каратэ, 20 нафар ёшлар миллий кураш, 50 нафар ёш спортчилар эса кик-боксинг билан мунтазам равишда шугулланишмоқда.

Андижон шаҳрида «Халқаро террорчилик ва гиёҳвандликка қарши кураш» ширини остида ўтказилган кик-боксинг бўйича вилоят очик турнирида ёш спортчиларимиз фаол қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Қишлоқ ёшларининг бўш вақтларини турли спорт секциялари ва клубларида ўтказишлари уларнинг турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолмасликларида муҳим ўрин тутуди.

ХОТИРА ТУРНИРИ

От спорти Республика Олий маҳорат мактаби спорт мажмуида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, халқаро тоифадаги спорт устаси Мамажон Исмоилов хотирасига бағишланган 7-аънавий турнир қизгин паллада давом этаётди. Ушбу мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари, Тошкент вилояти чавандозлари, хусусий чавандозлик мактаблари тарбияланувчилари ҳамда майдон эгаларидан иборат 50 нафардан ортиқ спортчилар от йўрттириш ва тўсиқлардан сакраш бўйича голибчи учун курашмоқдалар.

От спорти тарихида муносиб из қолдирган Мамажон Исмоилов ўз ҳаётидаги 40 йиллик фаолиятини ушбу спорт турига бахшида этган. 1956 йилдан бошлаб йirik мусобақаларда буй кўрсатган чавандоз одамлар орасида «от устида туғилган» лақаби билан машҳур бўлган. Айни чоғда унинг шогирдлари турли мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш билан бирга барча вилоятларимизда ёш чавандозларга сабоқ бераётдилар.

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

Баскетбол бўйича аёллар жамоалари ўртасида бўлиб ўтган бу йилги Ўзбекистон Кубоги мусобақаларида Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг «СКИФ» жамоаси голиб чиқди.


БАСКЕТБОЛ ЖОЗИБАСИ

Финалгача мағлубиятсиз етиб келган «СКИФ» Зарафшоннинг «Қурувчи» жамоаси билан бўлган учрашувда юқори маҳорат намойиш этиб, 69:67 ҳисобида зарафшонликларни доғда қолдирди.

Иккинчи ўринни «Қурувчи» жамоаси, учинчи ўринни эса Республика олий спорт маҳорати ўсмирлар мактабининг баскетболчи қизлари эгаллади.

ҒОЛИБЛАРГА — ҚИММАТБАҲО СОВҒАЛАР

Истиклол йилларида унутилаёзган миллий спорт турлари ва халқ ўйинларимиз қайтадан кўз очди. Хусусан, миллитимиз фахри бўлмиш ўзбек кураши жаҳонга юз тутди. Қисқа вақт мобайнида республикамиз ва турли хорижий юрتلарда ўзбек кураши бўйича нуфузли мусобақалар ўтказилди.



Яқинда Мудофаа вазирлиги спорт мажмуида ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимларининг «Соғлом авлод йили»га бағишланган ўзбек кураши бўйича республика турнири бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 120 нафардан ортиқ иштирокчилар уч гуруҳга бўлинган ҳолда 60, 70, 80 ҳамда 90 килограмм вазн тоифаларида баҳс олиб бордилар. Мурасасиз ўтган беллашувлар сўнггида Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ва Фарғона вилоятлари вакиллари совринли ўринларга муносиб қўрилди.

Ғолиб ва совриндорларга тармоқ қасаба уюшма Марказий қўмитасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари тақдим этилди.

Х.АБДУЖАЛИЛОВ.
Суратларда:
Турнир баҳсларидан лавҳалар.
А.РИСҚИЕВ олган суратлар.



Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси, Сурхондарё вилояти қўмитаси шу қўмита аъзоси, вилоят маҳаллий саноат савдо ишлаб чиқариш Акционерлик компанияси раисининг муовини **Мирза ЭҒАМОВ**нинг бевақт вафоти муносибати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

МАЙДОНДА ФАХРИЙЛАР

Пойтахтимиздаги МХСК ва НВУ ўйингоҳларида «Пахтакор», МХСК, «Ҳисор» (Шаҳрисабз) ҳамда Тошкент шаҳар фахрийлари терма жамоалари иштирокидаги ажойиб футбол учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

1966 йилги «А» класс жамоалари тайёрлов гуруҳлари ўртасида собик иттифокнинг энг яхши ўйинчиси деб тан олинган, ўша йилнинг «Юность» кубоги совриндори, 1968 йил Италияда «Ювентус», «Сампдория», «Барселона», «Реал», «Црвена Звезда» ҳамда собик иттифок ёшлар терма жамоалари иштирокида ўтказилган турнирнинг энг яхши ўйинчиси, ёшлар терма-си, сафига Германия, Италия, Индонезия, Болгария, Афғонистон каби терма жамоаларга қарши майдонга тушган машҳур футболчи ва мураббий Александр Шелочков хотирасининг 10 йиллигига бағишлаб унинг марта ўтказилган ишчиболларда қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас. Чунки яна яшил майдонда мазийнинг унмас юлдузлари ҳаракат қилишмоқда.

Ақбар Йўлдошев.

Жўжани кўзда санайдилар, дейишади. Мана биз ана шу кўнунга етиб келдик. Оқиғи, бу йилги футбол мавсуми бизни анчайин ранжитди, айни вақтда ўйлаган ниятларимизга етмоқ учун қатор муаммоларни халқлиш даркорлигини ниҳоят эътироф этишимизни тезлаштирди.

Аваллига қитъада ким қучли, деган осон бўлмаган саволга жавоб топиш учун баҳсга киришган 1999 йилги совриндорларимиз мухлислар кутган ўйинни намойиш қилолмай, йўл бошидаёқ «поезд»дан тушиб қолдилар. Яна бир умид учкун эса, бу ҳақда жуда кўп гапирдик, Ливан майдонларида сувага уриб кетди. Лекин, барибир, назаримизда 2000 йил футбол мавсуми айнан шу сабабларга кўра ҳам биз учун гоё ибратли бўлди, десак сира янглишмаймиз.

Яъни, неча йилларки шуҳрати сўниб бораётган футболимизни оёққа қўйиш лозимлигини, шундай қилиш фурсати етиб келганлигини ва энг муҳими, бу машаққатли, катта куч-ғайрат ва маблағ талаб қилувчи юмушнинг ундасидан чиқишимиз учун изласак имкониятлар борлигини англаб етдик. Ғалаба муваффақиятсизлик тан олинган ва уни бартараф этишга киришилган лаҳзалардан бош-

Футбол

муносиб ҳисса қўшди, шунингдек, урган голлари сонини 45 тага етказди. Эътироф этиш керак, бу жуда яхши натижа. «Мерганлар» баҳсида «Андижон» командаси ўйинчиси Бахтиёр Ҳамидуллаев (33

ҒАЛВИР СУВДАН КЎТАРИЛГАНДА



та тўп) ва «Насаф» бомбардири Зафар Холмуродов (30 та)лар ҳам муносиб қатнашганликларини таъкидлашни истардик. Яна бир камдан-кам учрайдиган натижа ҳақида гапирмай иложимиз йўқ. Мамлакат чемпиони мавсумда рақиблар дарвозасига 109 та тўп киритган бўлса, турнир жадвалининг сўнги ўринини эгаллаган «Темирйўлчи» эса 104 та

тўп ўтказиб юборди. Тўғри, урта тўп Навоийга ташриф буюрилмаганлиги учун жазо тариқасида ёзиб қўйилган. Лекин бу нарсга жамоанинг ҳимояда ўта суст ҳаракат қилганлигини оқлай олмайди.

Ушбу чемпионатда «мурувват» юзасидангина иштирок этиш насиб этган «Турон», «Қизилқум», «Сур-

ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ

ЖАМОАЛАР	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Дўстлик»	38	30	4	4	109-44	94
2.«Нефтчи»	38	28	6	4	96-32	90
3.«Насаф»	38	26	7	5	92-52	84
4.«Самарқанд-Д»	38	24	3	11	92-47	75
5.«Навбахор»	38	19	8	11	92-56	65
6.«Бухоро»	38	20	5	13	73-50	65
7.«Пахтакор»	38	17	9	12	68-52	60
8.«Андижон»	38	15	10	13	82-63	55
9.«Сурхон»	38	15	7	16	69-79	52
10.«Трактор»	38	15	6	17	54-53	51
11.«Қизилқум»	38	13	12	13	46-55	51
12.«Семурғ»	38	13	8	17	63-75	47
13.«Металлурғ»	38	12	8	18	44-58	44
14.«Кимёгар»	38	11	9	18	47-65	42
15.«Турон»	38	10	7	21	41-82	37
16.«Зарафшон»	38	8	10	20	37-72	34
17.«Сўғдиёна»	38	9	5	24	46-96	32
18.«Гулистон»	38	8	7	23	39-70	31
19.«Хоразм»	38	8	6	24	37-67	30
20.«Темирйўлчи»	38	7	5	26	54-104	29

З.РИХСИЕВ, К.ОЛЛОЕВ.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар ва
реклама, эълонлар
бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан
чиқа бошлаган

Маъмулий: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро»
кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот
қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган.
IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида
босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади
14.002 нуска. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
босмақониси. Корхона манзили:
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш
вақти - 21.00
Топширилди 22.35
Буюртма Г— 1024. 1 2 3 4 5 6